

**“Дехқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти
ягона акциядорининг қарори**

Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 38-уй.

2022 йил “19” сентябрь
соат 17:00

“Дехқонобод калий заводи” АЖ томонидан муомалага чиқарилган 2 301 392 924 315 (икки триллион уч юз бир миллиард уч юз тўқсон икки миллион тўққиз юз йигирма тўрт минг уч юз ўн беш) дона оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз акция пакети жамият ягона акциядори – “Ўзкимёсаноат” АЖга тегишли бўлганлиги сабабли қворум 100 фоизни ташкил қилади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси ва жамият Уставига мувофиқ 2022 йилнинг “___” сентябрь куни якка тартибда қабул қилинди ва ёзма шаклда расмийлаштирилди.

КУН ТАРТИБИ:

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини янги таҳрирда кўриб чиқиш тўғрисида.

“Дехқонобод калий заводи” АЖнинг ижроия органи томонидан тоғ-кон мажмуасида руда қазиб олишни жадаллаштириш ҳамда мазкур рудани автотранспорт пехи томонидан ташилишни тезлаштириш, шунингдек, дебиторлик қарздорлик ҳисобига Жамият балансига олинган “Сурхондарё агрокимё” ХАЖ Жарқўрғон омборини сақлаб туриш мақсадида амалдаги Жамият ташкилий тузилмасидаги 1940 та штат бирлигига кўшимча равишда 73 (етмиш уч) та жами 2013 та штат бирлиги яратилиши билдирилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддаси ва жамият Уставига мувофиқ жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш Жамиятнинг ягона акциядори ваколатлари доирасига кириши белгиланган.

Кун тартибидаги масала юзасидан қарор қилинди (2 301 392 924 315 дона овоз, 100 %):

1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Дехқонобод калий заводи” АЖ бошқарув раиси в.б. (Усаров) Жамиятнинг янги таҳрирдаги тасдиқланган тузилмаси ҳамда мазкур қарорни “Корпоратив ахборот ягона портали” (www.openinfo.uz) ва жамиятнинг расмий веб-сайти (www.uz-potash.uz)да белгиланган тартибда эълон қилиниши таъминласин.

Ушбу қарор икки нусхада 2022 йил “___” сентябрь куни расмийлаштирилди.

**“Ўзкимёсаноат” АЖ
бошқарув раиси**



Ж.Т. Мирзамақмуdiv